


*Назм*

## ИСТИҚЛОЛ ВАТАНИ

*Сафобахш дамларинг дилга куч, даво,*
*Қадим достонларда куйланган маъво,*
*Курраи заминда беназир, танҳо,*
*Сенга мафтун борлиқ, хуршиди тобон,*
*Истиқлол Ватани жон, Ўзбекистон.*

*Сен билан юксакдир шарафим, шаъним,*
*Безавол боғимсан, сўлмас чаманим,*
*Порлоқ чироғимсан, она—Ватаним,*
*Фозиллар мадҳ этган сен ажиб макон,*
*Эзгулик маскани жон, Ўзбекистон.*

*Олисдан кўринур жамолинг сенинг,*
*Қалбимда ҳамиша хаёлинг сенинг,*
*Истиқлол туфайли камолинг сенинг,*
*Озодлик нуридан олам нурафшон,*
*Зебу зар махзани жон, Ўзбекистон.*

*Турон майдонида улоқ сеники,*
*Оллоҳ насиб этган булоқ сеники,*
*Эртатонги файзёб, порлоқ сеники,*
*Сен сахий, туганмас, очил дастурхон,*
*Чорларсан дўстларни жон, Ўзбекистон.*

*Жаҳонга нур сочар меҳр қуёшинг,*
*Оқиллардир сенинг ёру йўлдошинг,*
*Истиқлол боиси мағрурдир бошинг,*
*Сенинг мадҳинг куйлар замину замон,*
*Ардоқлар эл сени жон, Ўзбекистон.*

## АРҒУВОН БАРГИДЕК...

*Арғувон баргидек қалбим ол эрур,*
*Қалбим ол айлаган сўзи бол эрур,*
*Сўзи бол этган лол-навниҳол эрур,*
*Навниҳол мен учун бахт-иқбол эрур,*

*Навниҳол гулларга ўраб жисмини,*
*Мендан у пинҳона тутар исмини,*
*Жонимаро жойлаб унинг измини,*
*Ҳажрида бу қаддим мажнунтол эрур.*

*Дўстлар, менга бўлак ҳабиб керакмас,*
*Кўкда юлдуз, ҳилол—насиб керакмас,*
*Наҳот мендек Ошиқ Ғариб керакмас?*
*Айрилиқ-ла жисми зор беҳол эрур.*

*Қалбим, ёндинг ул дилрабо ҳажрида,*
*Қоматинг ёй сарви боло ҳажрида,*
*Неча қилдинг сен вовайло ҳажрида,*
*Васфин айтмакликка тилим лол эрур.*

*Кел, қўй Заби, оҳу афғон айлама,*
*Ёр ишқини дилда пинҳон айлама,*
*Вафо гулин васф эт, пайҳон айлама,*
*Сен севган гул бир соҳибжамол эрур.*

**Забихилло НУРУЛЛО.**

*Дилкаш суҳбатлар*

# ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Фарзандларимизнинг баркамол, маънавий етук инсон бўлиб тарбияланишларида театр санъатининг ўзига хос аҳамияти бор, албатта. Хўш, истиқлолга эришганимиздан сўнг бу борада қандай вазифалар амалга оширилди? Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган спектакллар юзага келдими?

Биз юқоридаги саволлар билан Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимовга мурожаат қилдик.

— Дарҳақиқат, Мустақиллик театр санъати ривожи учун кўп нарсалар инъом этди, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Хусусан, Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида фарзандларимизга миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз акс этган спектаклларни саҳналаштиришга катта эътибор қаратилган. Чунончи, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасини режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирди. Яна бу режиссёримиз «Алпомиш» достони асосида янги спектаклни саҳнага олиб чиқиш арафасида турибди. Камина эса машҳур француз ёзувчиси Жан Басит Мольернинг «Учар табиб» асарини (бу асар Шароф Бошбеков ёрдамида ўзбекчалаштирилган) ёш томошабинларга ҳавола этдим. Чунки фарзандларимиз нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўлишлари керак-да.

— **Олимжон ака, аслида сиз илгари катталар театрида ишлагансиз. Фарғона шаҳрида сиз саҳналаштирган «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат» комедиялари аллақачон халқнинг севимли театрига айланган. Айтингчи, болалар театрининг ўзига хослиги нимада?**

— Мен биринчи навбатда режиссёрман. Биласизки, режиссурада катталар ва болалар режиссураси деган гап йўқ. Лекин болалар театрида ишлаш алоҳида масъулиятни талаб этади. Бу ҳақда рус режиссёри Наталья Сац шундай деган эди: «Болалар театри ҳам катталар театрига ўхшаш, фақат ундан яхшироқ бўлиши керак». Ҳаққоний фикр. Чунки болалар театрида ишлайдиган актёр ёки режиссёр кичкинтойлар психологиясини, уларнинг англай олиш қобилиятини чуқур ҳис қилиши шарт. Ушбу театрда етти йилдан бери ишлаяпман. Театрда янги мазмунли, янгича шакл асосида иш кетяпти, натижа ёмон эмас. Шу ўринда айримларнинг болалар учун махсус асарлар асосида спектакль яратиш керак, деган сўзлари нотўғри эканлигини айтмоқчиман. Аксинча, ёш қалбларни мушоҳада қилишга ундайдиган, фалсафий, теран маъноли асарларни кўпроқ саҳналаштириш даркор. Очиғи, театрда болажонларни ҳайратга солиш, уларга янги гап айтиш мушкул иш. Лекин шу ишнинг уддасидан чиқмаган болалар театрининг келажаги йўқ, деяверинг. Ниятим, театримизга фарзандларимиз ота-оналари билан бирга келишса, спектаклларимизни ёнма-ён томоша қилишса, ана шунда саҳна асарининг болага таъсири янада кучаяди.

Санъат билан доимо ошно бўлган фарзандларимиз Президентимиз айтганларидек, келажакда биздан кўра кучли, билимли, доно ва ақлли бўлиб вояга етадилар. Дарвоқе, ҳамшаҳарларимиз учун қувончли хабар. Германиянинг Мюнхайм шаҳрида шу йил октябрь ойида ўтадиган халқаро театр фестивалида бизнинг театр жамоамиз ўзининг «Боз масхарабоз» спектакли билан қатнашадиган бўлди.

— **Болажонларимизга келгусида қандай янги спектакллар ҳадя этасизлар?**

— «Алпомиш» достонининг саҳна варианти устида жиддий иш кетаётганлигини юқорида айтдим. Бундан ташқари итальян драматурги Карло Гоццининг «Бувига айланган қирол» асарини ҳам болажонларга ҳавола этамиз. Сўзим ниҳоясида болажонларимизни байрамлари билан чин юракдан қутлайман.

**Суҳбатдош Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

*Бу — қизиқ*

### ТЕМИР ЙЎЛ

Маълум бўлишича, сайёрамизда биринчи темир йўл тарихчиларнинг ҳисоб-китобларидан бирмунча аввал қурилгандир. 1764 йили қирол Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, кўплаб хизматчилар ёрдамида юргизилган.

### ТИШ ДАВОЛАШ

Вашингтоннинг Смитсон олий билимгоҳи олимлари Шимолий Америкада яшовчи ҳиндулар бундан 3 минг йил муқаддам ҳам тишларини даволатишган, деган хулосага келишди. Олимлар ўз-ўзидан бундай хулосага келганлари йўқ албатта. Улар эрамиздан аввалги 1200 йилга тааллуқли мақбарадан аёл бош суягини топдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бош суякдаги бир неча тиш таркиби номаълум бўлган цемент қоришмаси билан пломбаланган экан.

### МУЗҚАЙМОҚ

Дарҳақиқат, музқаймоқ ҳам ўта қадимий неъмат бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи эрамиздан аввалги замонларга, иссиқ мамлакатларга бориб тақалади.

Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн Ҳиндистонни забт этган пайтида у ҳиндларнинг ажойиб анъанасидан ҳайрон қолган, яъни улар жазирама кунларда музлатилган сутни шимиб ўтиришаркан.

### ТАҚИҚЛОВ

Маълум бўлишича, «Кириш тақиқланади» ёки «Кириш ман этилади» деган иборалар тош асрида ҳам қўлланган экан. Олимлар Испаниянинг Пасиега ғоридаги баланд тошда битилган белгиларни (белгилар тош асрига тааллуқли) ўқишга мушарраф бўлишди. Агар у белгиларни ҳозирги замон тилига ўгирадиган бўлсак, «Бу ерга кириш ман этилади» деган маънони англатаркан.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**

*Бандлик*

# КЕЛАЖАК УЧУН ЗАМИН

Чилонзор тумани меҳнат органи мутасаддилари имкониятларни ишга солиб, апрель-май ойларида ҳудудий ва туман миқёсидаги меҳнат ярмаркаларини ўтказишга, барча мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари билан яқиндан мулоқотда бўлишга астойдил ҳаракат қилишаётир.

— Туманимизда айни вақтда 55 та корхонадан 1531 та бўш иш ўринлари тавсия этилган, — дейди меҳнат органи раҳбарларининг ўринбосари Дамир Амиров. — Бу бўш иш ўринларига, албатта малакали ходимлар керак. Шу боис биз энди мактабни битираётган ёшларни «Ўқув маркази»мизга ва «Усто-шогирд» услубида иш юритаётган устоларга бириктириб, уларга ҳам стипендия тўлаш, ҳам ҳунар ўргатиб, малакали мутахассис деган ҳужжатни қўлига беришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу фикримнинг исботи мисолида бир кунлик ярмарка тафсилотига тўхтайдиган бўлсак, шу куни 3548 нафар фуқаро иштирок этиб, ўзларига тегишли маслаҳатларни олишди. Шундан 794 таси ишга жойлашиш учун, 15 нафари қайта ўқишга йўлланма олишди. Шуниси қувонарли бўлдики, шаҳримизда жуда кўп қисқа муддатли ўқув марказлари бор. Аммо уларнинг барчасида ўқиш пулли. Бизнинг «Ўқув маркази»мизда эса ўқиш бепул бўлиб, албатта, у ерга меҳнат органи томонидан йўлланма олинган бўлиши керак.

— Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими билан меҳнат органининг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари яхши самаралар бермоқда, — дейди назоратчи Юрий Исоқов. — Бу йил туманимизда 1500 нафар ўқувчи 9-11-синфни битиришади. Уларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув юртига кира олади, дея олмаймиз. Шунинг учун биз ўқувчиларни мактабдан чиқиб кетмай туриб, нима иш билан шуғулланиш ёки қаерда ишламоқчилиги билан қизиқиб, уларга йўлланмалар ва маслаҳатлар бериб бораяпмиз.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

**СУРАТЛАРДА: Чилонзор тумани битирувчи синф ўқувчилари билан ўтказилган меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**





*Танловлар*

# ИЖОДИЙ ИНШО ҒОЛИБЛАРИ

Шоҳсен, сен агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен, сен шоҳсен сен.

Буюк бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг огоҳ кишининг шоҳга тенглаштиришларида ҳикмат кўп. Маънавий юксак чўққиларни забт эта билган бу муҳтарам зотнинг эрк, Ватан озодлиги, юрт ободлиги, имон саломатлигини шоҳлик билан тенг билганлари бежиз эмас.

Зеро, киши ҳурлик неъматини хўрликни кўргач, тушуниб етади. Халқимиз бошидан ўтказган истибдод хотираси озодликни келгуси авлодларга омон-эсон етказиш масъулиятини юклайди. Ана шу масъулият асл огоҳликдир.

Айни ана шу масъулият остида Тошкент шаҳридаги барча ўқув муассасаларида «Огоҳлик — муқаддас бурч» мавзуида ижодий иншо танлови ўтказилди.

Танлов иштирокчилари ўз ижодий ишларини Одил Раҳматовнинг бугунги кунда барқарор турмуш тарзимиз, юртимиз равнақи ва ривожига таҳдид солаётган қора кучларнинг асл ният ва чиркин юзларини очиб бера олган «Огоҳлик — муқаддас бурч» китобида келтирилган далилларга асосланиб ёздилар.

Даставвал бунинг учун етук диншунос мутахассислар, амалиётчи мутасадди ва дин уламолари иштирокида мактаб ўқитувчиларига ушбу мавзу атрофлича тушунтириб, изоҳлаб берилди. Бу учрашувларда ўқитувчилар ўзларига мавҳум бўлган бу борадаги бир қанча саволларга аниқ жавоб топа билдилар.

Шундан сўнг улар ўз навбатида ўқувчи ва талабаларга ушбу мавзу моҳиятини «Огоҳлик — муқаддас бурч» китобидаги аниқ мисоллар билан изоҳлаб беришди.

Танлов уч босқичда: мактаб, туман, шаҳар тартибида ўтказилди.

Жорий йилнинг 26 май куни ушбу танловнинг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов кириш сўзи билан очиб, ўтказилган танловнинг аҳамияти, умуман бугунги кунда республикамиз барқарорлиги йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бу борада ёшларнинг ўрни ҳақида фикр билдирди.

Шундан сўнг мукофотлаш маросими бошланди.

Ўз ижодий ишида янги аср остонасида юртимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи ғаразли кучлар, уларнинг асл мақсадлари ҳақида теран фикр юрита олгани, шунингдек, ватанпарварлик туйғуси, халқ манфаати ҳар нарсадан устунлигини ўзига хос услубда очиб бера олгани, кундалик ҳаётда оддий кишилар, хусусан, ёшларнинг бу борада нималарга эътибор қаратишлари лозимлиги юзасидан аниқ хулосалар чиқаргани учун Чилонзор тумани, 131-мактаб, 11-синф ўқувчиси Мунира Аъзамова танлов ҳайъати тарафидан 1-ўринга лойиқ деб топилди. Мукофотни танлов ҳомийларидан — «Қаноат» мувофиқлаштириш маркази раиси Зокир Тошмуҳамедов топширди.

Ижодий иншода юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши ҳар бир фуқаронинг атрофда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга огоҳ назар билан қарашларига боғлиқлиги, турли мутаассиб диний оқимларнинг жаҳолатли ғояларига қарши маърифат қуроли билан курашиш борасида ўзига хос фикр юрита олганлари учун Ҳаётхон Султонбоева (Юнусобод тумани, 105-мактаб, 11-синф ўқувчиси), Дилноза Жуманиёзова (М. Улуғбек тумани, 222-мактаб, 11-синф ўқувчиси) 2-ўринга муносиб деб топилдилар ва уларга Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар ва вилоят кенгаши раиси Назир Ризаметов қимматбаҳо совға топширди.

Эркин мавзудаги иншода азиз Ўзбекистоннинг фаровон келажаги ва истиқболи учун яшаш, курашиш, мустақиллик инъом этган энг буюк неъматларни англай билиб ва ўз ишига ижодий ёндошганлиги учун Шаҳноза Зияева (Яккасарой тумани, 118-мактаб, 11-синф ўқувчиси), Муҳайё Асқархўжаева (Ҳамза тумани, 307-мактаб, 10-синф ўқувчиси), Диёр Исаметдинов (А. Икромов тумани, 106-мактаб, 11-синф ўқувчиси), учинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Учинчи ўрин совриндорларини «Камолот» жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Муқаддам Расулова қимматбаҳо совғалар билан жамғарма номидан муборакбод этди.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев танловда муваффақиятли иштирок этган барча иштирокчиларни қутлаб, уларни бошқарманинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади.

Шунингдек, ижодий ишлари совринли ўринлар қаторидан жой олмаган бўлсада ўлкамизда миллий ва диний қадриятларнинг улуғланиши ва айни чоғда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар борасида теран фикр юрита олганликларини эътиборга олиб, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А. Турсунов қуйидаги ўқувчиларни —

Шайхонтоҳур тумани, 254-мактаб, 11-синф ўқувчиси Одил Тоҳировни, Миробод тумани, 214-мактаб, 11-синф ўқувчиси Нигора Холисбоевани, Сирғали тумани, 6-мактаб, 10-синф ўқувчиси Малика Султонқуловани, С. Раҳимов тумани, 24-мактаб, 11-синф ўқувчиси Дилноза Акромжоновани, Бектемир тумани, 293-мактаб, 11-синф ўқувчиси Динара Утебоевани рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирлади.

Шундан сўнг ижодий иншо танлови ғолиблари ўз иншолари мавзуси бўйича сўзга чиқиб, Одил Раҳматовнинг ушбу китоби уларга ўзига хос маънавий озуқа бергани, энг муҳими улар онгида дин нимаю диний оқимлар нима экани борасида аниқ тасаввур ҳосил бўлгани ҳақида жўшиб сўзладилар.

Шунингдек, тадбир давомида ўқувчилар мавзу юзасидан баҳс-мунозарага ҳам киришиб, мутахассислар фикри ва изоҳи асосида ўзларида ечилмай қолган муаммолар юзасидан аниқ хулосаларга келиб олдилар.

**Сарвар АБДУЛЛАЕВ.**

*Ҳикоятлар*

# «ҚУВОНМОҚ ИСТАДИМ ВАСЛ БАЙРАМИДА...»

Робия Балх амири Каъбнинг ҳуснда, ақлу фаросатда тенгсиз қизи эди. Ўлими яқинлашганини сезган амир бир куни ўғли Хорисни ҳузурига чақириб деди:

— Синглинг ақли расо қиз. Унга ҳамма ошуфта. Лекин уни не-не зодагонларга лойиқ кўрмадим. Энди унинг тақдирини сенга топшираман.

Отаси вафотидан кейин Хорис тахтга ўтириши муносабати билан шоҳона зиёфат берди. Базм аҳли орасида сарвқомат йигит ўтирар, унинг оти Бектош бўлиб, амирнинг хазинабони эди. Унинг катта санъат билан рубоб чалиши, эҳтиросли қўшиқ айтиши Робия кўнглини ром этади. Ўша кундан бошлаб қизнинг ҳаловати йўқолди. Ишқ дарди уни ҳолдан тойдирди. Ишқ достонларини доясидан ёри азизига етказарди:

*Аё эй кўзлари жоду, қаёнсан?*
*Мени бир йўқламайсанму, қаёнсан?*
*Ёнурман шамъ каби бирёну гирён,*
*Сени излаб югурдим хаста ҳар ён.*

Шоира севгисига сазовор бўлиш бахтига муяссар бўлган Бектошнинг боши осмонга етади. Бир куни Робияни боғда танҳо кўриб қолиб густоҳлик билан беадаблик қилади. Робия қаттиқ ранжийди:

*Шамол ҳатто этагимдан ҳайиқар,*
*Кийимим шарпасин сезмас кабутар.*

— Эй тенгсиз дилбар, бу не ҳолким мени девона қилдинг, энди мендан юз ўгиряпсан?

— Сен менинг қалбимдасан, юрагимда аланга ураётган соф муҳаббатимсан. Кошки бундан огоҳ эсанг. Менинг ғусса тўла вужудим шаҳвоний ҳирснинг қурбони бўлмас. Агар сен менинг шу пок ишқимга сазовор бўлмас экансан, бегоналар сингари кўнглим остонасидан узоқлашасан.

Бир куни Хорис машҳур шоир Рудакийдан синглиси ҳақида эшитиб қолади. Шоҳ мажлисида май таъсирига берилган шоир Робия ғазалларини ўқиб беради. У ўзининг ғуломини шу даражада севадики, на кечаси, на кундузи ҳаловати бор. Шунинг учун ошиғига нома юборишдан бошқа машғулоти йўқ. Шеърдаги пишиқлиқ ишқ васфининг кучлилигидан, дейди Рудакий.

Хориснинг ғазаби қайнаб синглисининг қонини тўкиш пайига тушади. Отасининг васиятини ҳам унутади.

Аввало Бектошни зиндонга ташлайди. Кейин Робияни қатл этиш режасини тузади. Уни қўлига кишан солиб қизиган ҳаммомга ташлайдилар. Ҳаммомнинг эшик, деразаларини лой билан беркитишади. Қиз бу ғайриинсоний қийноқларга қарши фарёдлар чекади. Лахта-лахта қон қусади. Ўз қони билан ҳаммом деворларига шеър бита бошлайди. Ҳаммом деворларида ёзишга жой қолмаганда унинг вужудидаги қон ҳам тугаган эди.

Эртасига ҳаммомни очадилар ва у дилбарни қонга беланган ҳолда кўрадилар. Пок танасини ювиб тупроққа кўмдилар. Йиғилганлар девордаги байтларни ўқидилар:

*Нигоро, сенсиз аҳволим забундир,*
*Юзим кўнгил қони-ла лолагундир.*
*Висол орзулари жон ичра энди,*
*Кўз ёши оташу қон ичра энди.*
*Қувонмоқ истадим васл байрамида*
*Вале кўрдим ўзим ўлим дамида.*
*Оловда қовжирайди нотавон дил,*
*Нетай, охир у эрди сенга манзил!*
*Бу хаста танни ўтга отармен,*
*Бу нокас дунёни ташлаб кетармен...*

Бу воқеани эшитган Бектошнинг юрак-бағри хун бўлди. Яширинча йўл билан қамоқдан қочиб Хориснинг ҳарамига киради, бошини танасидан жудо қилади. Аламга тўлган йигит қиз қабрига боради, ханжар билан юрагини тилиб азиз ёри ёнидан жой олади.

Ошиқ-маъшуқларнинг муҳаббати пок, самимий, самовий эди...

**Мирзомир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**



**Шундай мафтункор табиат бағрида ҳордиқ чиқаришга нима етсин.**
**Равиль Альбеков олган сурат.**

